

## Устивор йўналишлар амалда

### Дарсликлар - бепул

Мактабларда биринчи кўнгирак чалинишига санокли кунлар қолди. Янги ўқув йили қандай бошланиши бепул жиҳатдан ота-оналар ва ўқувчиларнинг кайфиятларига боғлиқ. Бу кайфиятни эса ҳар бир ўқувчи дарсликлар, бошқа ўқув ашё билан нечоғлиқ тўлиқ таъминланганлик белгилайди. Республика Вазирлар маҳкамаси алоҳида қарор қабул қилиб, айниқса, кам таъминланган оилаларнинг болаларини дарслик ва ўқув қўлланмалар билан таъминлашда ҳомийлик ёрдами кучайтиришга даъват этди.

Табийки, касаба уюшмалари ҳам бу савоб ишдан четда қола олмайдилар. Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси бу борада ташаббускор бўлдилар.

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг Ижроия қўмитаси шу масала юзасидан қабул қилган қарорда эса бу борада бир қатор амалий тадбирлар кўзда тутилган. Чунончи, барча бошланғич ташкилотларга пул ўтказиш йўли билан дарсликлар сотиб олишга кўрсатма берилди. Ҳомийлик ёрдами касаба уюшмаларининг аъзолик бадалли маблағлари ҳисобига амалга ошириш белгилаб қўйилди. Касаба идоралари маҳалла қўмиталари ва таълим идоралари билан баҳамжиҳат эҳтиёжманд оилаларни аниқлаб чиқдилар. Касаба уюшмалари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари ҳокимликлар билан ҳамкорликда бу гоят муҳим ишни мувофиқлаштириб бордилар.

## Изҳори дил

### ИСТИҚЛОЛ ИСТИҚБОЛГА ЭЛТАДИ

1. Истиқлол сизнинг тақдирингизда.
2. Мустақилликнинг еттинчи йили. Қандай ўзгаришларни ҳис этаясиз? Кўряспиз.
3. Мустақил она юртининг эртанги кунини қандай тасаввур этасиз?

Онесия СЕЙИТОВА,

Қорақалпоғистон Республикаси туғруқнонаси гинекология бўлими бошлиғи, «Ўзбекистон Қаҳрамони»

1. Истиқлол - мамлакатимизда тинч-тотув, осовийта яшаётган кўп миллатли халқлар вакиллари қатори мендек оддий қорақалпоқ қизига ҳам ҳақиқий иқбол берди. Мамлакат мустақиллигининг олти йиллиги арафасида мамлакат Президентини И.Каримов Фармонларига биноан «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини олдим. Ишончим комилки, инсон меҳнатини бундай адолатли тақдирлаш фақат мустақил мамлакатдагина бўлиши мумкин. Бунга ҳамкасбларим ҳам, ўзим ҳам шахсан тўла ишонч ҳосил қилдик. Чунки марказдан олисдаги Чимбой шахрида тузилган тиббий тиббиёт ходимасига шунчалик иззат-ҳурмат, албатта меҳнат кишисига бўлган меҳру-оқибат эътибор намунасидир.

Шукрлар бўлсинки, ватанимиз тинч, осмони мусаффо. Бу - биз тиббиёт ходимлари, айниқса оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилувчи гинекологлар учун айни муддао. Туғруқхонадаги 54 нафар малакали врач, 350 га яқин ўрта махсус маълумотли ҳамширалар ҳар йили етти мингга яқин аёлларни қабул қилади. Уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида кунларни тунларга улайди. Шахсан ўзим кейинги уч йилда 1100 дан кўпроқ аёлларни жарроҳлик йўли билан даволадим. Муроккаб шароитда яшаб меҳнат қилаётган бу аёлларнинг ҳаётга қайтанини кўриб секинчадан бошим кўкка етади. Шифокор сифатида уларнинг кўпчилиги мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлашда яратувчанлик меҳнатларига қайтиб ҳаётда фаол қатнашган касбимга бўлган ҳурматини, муҳаббатини оширади, масъулият ҳиссини янада кўпроқ туямади.

Истиқлолнинг еттинчи йили оиламизда ҳам муҳим ўзгаришлар юз берди. Бир ўлим Нукус Давлат университетини битказди. Кенжа ўлим эса олийгоҳга ўқишга кирди. Илк бор неварали бўлдим.

2. Мамлакатимизда, шу жумладан Қорақалпоғистонда мустақилликнинг еттинчи йилидаги ўзгаришлар шу қадар кўпки, санаб адоғига етиш қийин. Айниқса хорж сар-

моаларини жалб қилиб қўшма корхоналар қурилатгани, кўплаб хомашёлардан шу ернинг ўзиде маҳсулот ишлаб чиқарилаётгани мўлқулчиликка хизмат қилмоқда. Марказий Осиёда ягона бўладиган Кўнгирот сода заводиде қурилишлар жадал суръатларда олиб борилапти. Хуллас, бундай ишшоотларни бунёд этиш кундалик ҳаёт тарзига айланиб бормоқда.

Шахсан мени беҳад хурсанд қиладиган бир нарса, бу - меҳнат қашларни ижтимоий жиҳатдан мустаҳкам ҳимоя қилишидир.

Бу хайрли ва савобли иш давлат сиёсати даражасига кўтарилади. Энг муҳими, кам таъминланган ва ёрдамга муҳтож оилалар доимо диққат-эътибордадир. Биргина мисолга мурожаат қила қолай: пенсионерлар тегишли нафақаларини ҳар доим вақтида олишяпти. Бир сўз билан айтганда халқ турмуш даражаси МДХдаги барча республикаларга нисбатан тобора яхшиланмоқда. Бу ўз навбатида фуқаролар, айниқса оналар ва болалар саломатлигининг яхши бўлишини таъминлаётди. Бундай шароитни бундан етти йил олдин ҳатто орзу қилиш ҳам мушкул эди!

3. Президентимиз И.Каримов мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ «Ўзбекистон - келажак буюк давлат!» деб эълон қилган эдилар. Бунинг учун тўла асос бор. Ўлкамиз жаннатмаскон, беҳисоб табиий бойлик, қулай об-ҳаво, энг муҳими меҳнатқаш халқимиз бор. Демак, Ватанимизнинг келажак буюк. У кўз ўнгимизда йил сайини обод ва озода бўлиб бормоқда. Шубҳасиз, худо берган неъматлардан оқилона фойдаланиб, доно юртбошимиз раҳбарлиги ва раҳнамолигида мустақилликни мустаҳкамлаш иши изъаллик билан олиб борилаверади. Бунинг учун мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси ўзига топширилган вазифани виждонан адо этиб, шу она замин гуллаб-яшнаши учун, элим-юртим деб ёниб яшаш керак. Шундай кишилар сафиде бўлишни ўзимнинг фуқаролик бурчим деб биламан!

Абдурахмон Ғаиб олди



«Шу кунларга етдик шукр»

## Истиқлол мушоираси

### УЙҒОҚ ТАРИХ

Президент Ислам Каримовнинг тарихчи олимлар, ижодкорлар ва ноширлар билан амалий суҳбатидан сўнг...

Ҳар бир тақдир аён фақат ёлғиз Оллоҳга, Не дейишса қўйбердик бу қулоқдан қулоққа. Киммиз ўзи, асли қандай, ишондик минг қуроққа, Тарихимиз уйғоқ доим, уйғоқ ўтган йўлимиз.

Элим ўзи илди эди, биров келиб эмаган, Кўз тикканлар бисёр бўлди, лекин бошини эзмаган, Миллатининг ёқасига қизил латта тикмаган, Тарихимиз уйғоқ доим, уйғоқ ўтган йўлимиз.

Вақти етди, ажратмоқнинг гурунчдан тош, қурмакни, Тоза сувга қўшилган хас, лойқа тўла қўлмакни, Ўзбек деган бир давлат бор, забт этган ҳар юракни, Тарихимиз уйғоқ доим, уйғоқ ўтган йўлимиз.

Мен отамнинг бобосини билмас эсам, не бўлдим, Китобдаги чалалардан бир тирилиб, минг ўлдим, Бугун яна чанқоғини боستان гулдек бир тўлдим, Тарихимиз уйғоқ доим, уйғоқ ўтган йўлимиз.

Шоир Ҳамид НОРКУЛНИНГ Истиқлол мадҳига бағишланган туркум шеърлари давомини 4-саҳифада ўқийсиз

## Мустақиллик шарофати

### КОРХОНАНИНГ ВАЛЮТА ҲИСОБ РАҚАМИ

«Иш билганга минг танга», «каловини топса қор ҳам ёнади» каби нақллари халқимиз ишбилармон, урдабуррон кишилар ҳақида тўққанлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Лекин ҳамма ҳам ишбилармон, урдабуррон бўлаверадими? Интилса, ҳаракат қилса, бўларкан. Жиззах вилоятининг олис Фориш туманидаги Банд шаҳарчасидаги айрим сергайрат, эпчил ва ташаббускор кишилар олиб бораётган ишлар бунинг исботи бўла олади.

Қарийб бир йил муқаддам бу ерда «Фориш жуни» ип йигирув фабрикаси иш бошлагани. Иш бошида ташаббускор ва ишбилармон одамлар турганлари учун қисқа вақт давомида корхона фаолияти ривожланиб, сезиларли муваффақиятларга эришилди. Фабрика раҳбарияти, ишчи ва мутахассислари ишни кенг қўламда йўлга қўйиш учун энг аввало цехларга бугунги кун талабларига жавоб берадиган дастгоҳларни ўрнатиш зарурлигини тушуниб етишди. Шунинг учун ҳам 1997 йили корхонада 141 минг АҚШ долларига сотиб олинган замонавий йигирув дастгоҳлари ўрнатилган эди. Бу тадбир туфайли фабрика йилига 75 тонна жуни қайта ишлаш қувватига эришди. Ҳозир бу ерда тўрт хилдаги ип йигирилмоқда.

Корхона раҳбарияти ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, аҳолини иш билан таъминлашни янада яхшилаш мақсадида касаначи-

лиқни ташкил этиб, - хонадонларда пайпоқ ва жемпер тўқишни йўлга қўйди. Бу тадбир уйда бекор ўтирган хотин-қизларни айниқса хурсанд қилди. Ҳозир улар бажарган ишларига қараб фабрикадан ҳақ олмақдалар. Бу эса оила бюджетини мустаҳкамлашда муайян роль ўйнапти.

«Фориш жуни» фабрикаси банкда ўзининг валюта ҳисоб рақамига эга, бу эса корхонага ўз маҳсулотларини четга экспорт қилиш имконини беради. Айни пайтда фабрика ўз маҳсулотларини Россиянинг Нижний Новгород шаҳрида сотмоқда.

Корхона шу кунларда гилам тўқиб чиқаришни йўлга қўйишга тайёргарлик кўрмоқда. Ҳозирданок бир қатор чет эллик ишбилармонлар соф жундан ишлаб чиқариладиган бу маҳсулотга қизиқиш билан қарамоқдалар, ҳадемай «Фориш жуни» тамғаси билан ишлаб чиқарилган гиламлар айрим чет элликлар хонадонларига ҳам файз бағишласа ажаб эмас. Қараб-сизки, фабриканиннг ҳисоб рақамига чет эл валютаси келиб туша бошлайди. Бу эса корхонаниннг ишлаб чиқариш қувватини янада оширишга кенг имконият яратади. Буларнинг ҳаммаси мустақилликнинг шарофатидир, албатта.

О.АБДУРАЙМОВ,  
Суратда: фабриканиннг жуни юниси ускунасида Майсара Жониқулова ишламоқда.  
Б.ТўРАЕВ (ЎЗА) олган сурат.

## РЕСПУБЛИКА БИРЖАЛАРИДА

Республика кўчмас мулк биржасида бўлиб ўтган ва танловлар савдо-сотида 159 та ишшоотлар янги мулкдорлар қўлига ўтди. Сотилиш ҳажми қўймақ ҳисобиде 42 569 сўмни ташкил қилди. Шулар жумласидан 73 та ер участкаси, 50 автотранспорт воситалари, 8 та савдо ишшоотлари, 4 та қурилиш тугалланган бинолар ва 24 ўй-ой ва яшаш учун ишшоотлар сотилган.

Тошкент Республика қимматли қоғозлар биржасида 36 хиссадорлик жамиятлари томонидан 129.1 минг донга қимматли қоғозлар сотилди. Уларнинг қиймати 108.4 миллион сўмни ташкил этди. Утган ҳафтада аввалги ҳафтада-

гига нисбатан барча кўрсаткичлар бироз пасайиб кетди. Агар аввалги ҳафтада ўтказилган сотув сессияси жараёнида ҳар кунни ўртача 28.6 миллион сўмлик олди-сотида бўлган бўлса, бу ҳафта шу кўрсаткич 27.1 миллион сўмни ташкил этди.

Листинг тоифасига кирмаган корхоналардан қимматбаҳо қоғозлар сотиб олиш бўйича тушган ҳафта давомида ўртача 141 миллион сўмни ташкил этди. 7 август куни ҳафта давомида энг йирик битим тузил-

ган бўлиб, шу кунни Тошкент вилоятидаги (Янгийўл қишлоқ хўжалик фирмаси) ҳиссадорлик жамияти 1101 минг донга акция ёки 33. 2 миллион сўмлик қимматбаҳо қоғозлар олди-сотдис бўлди. Утган ҳафта давомида 53 та брокерлик идоралари яхши фаолият кўрсатдилар. Йил бошидан эса 438 хиссадорлик жамиятлари томонидан 2062.8 мингта акция ёки 124207 миллион сўмлик қимматбаҳо қоғозлар сотилди.

## Иқтисодиёт хабарлари

### ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ЯНГИ ЖАБҲАЛАРИ - ҚЎШИМЧА ФОЙДА МАНБАИ

Нукус тажриба-таъмирлаш заводининг асосий иш фаолияти техника ускуналарини таъмирлаш ва қўймақ металл маҳсулотларини ишлаб чиқаришдан иборат. Заводнинг деярли буюртмачилари каторида «Орол қишлоқ хўжалик сув таъминоти», «Орол сув қурилиш», «Оролбўйи» бирлашмаси ва Кўнгирот сода заводи қурилиши бошқармаси каби салмоқли корхоналар бор.

Тадбиркор завод ишчилари жорий йилнинг бошидан асосий фаолиятини суғлаштирмаган ҳолда қўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйдилар. Бердак номидаги Қорақалпоғистон Давлат Дорилфунунининг илмий текшириш маркази мутахассислари билан ҳамкорликда натижасида «Т-4», «МТЗ» тракторларига бошқа республикалардан келтириладиган бир неча ноёб эҳтиёт қисмларни заводнинг ўзиде ишлаб чиқариш имконини туғилди. Шундай қилиб, завод қўшимча соф фойдадан ўзқари қўшимча иш жойига эга бўлди. Бир йўла четдан маҳсулот сотиб олишни камайтириш муаммоси ҳам ҳал қилинди.



ЕНГИН АВЖ  
ОЛМОҚДА

Россиянинг Хабаровск ўлкасидаги Урмонзорлар ёнғини тобора авжига чиқмоқда. Ҳозир Хабаровск тайга-сининг 200 минг гектардан зиёд майдони олов чанғилида қолган. Ёнғин тайга атрофидаги қишлоқларга ҳам таҳдид солмоқда.

УКРАИНА  
ПРЕЗИДЕНТИ  
ТУФИЛАН КУНИНИ  
НИШОНЛАДИ

Кримда хордиқ чиқараётган Украина Президенти Леонид Кучма ўзининг 60 йиллик юбилейини нишонлади. Шу муносабат билан Крим яримороллига қатор давлатларнинг бошлиқлари таширф бурдилар.

МОЗОРИ ШАРИФ  
ТОЛИБЛАР ҚЎЛИДА

Афғонистондаги «Толибон» ҳаракати қўшинлари Мозори Шариф шаҳрини эгаллаб олдилар. Ҳозир шаҳар атрофидаги жанглар анча сусайиб қолган. Толиблар ҳужумдан кейин хордиқ чиқаришмоқда. Шимолий Иттифок қўшини эса Мозори Шарифни қайтариб олишга тайёргарлик кўрмоқда.

ХИТОЙ СУВ  
ТОШҚИНИ

Хитой Халқ Республикасининг шимолий ҳудудларидаги сув тошқини давом этмоқда. Бир қанча шаҳарлар ва ўнлаб қишлоқлар сув остида қолиб кетган 2000 дан зиёд киши ҳалок бўлган.

GERMANIYADA  
ҚУРҒОҚЧИЛИК

Европада эса бир томчи ёмиргга зор бўлиб ўтирган давлатлар сафига Германия ҳам қўшилди. Мана бир ойдики, Германияда ҳарорат жуда кўтарилиб бормоқда. Қўшининг аёвсиз қиздириши туфайли ўнлаб германияликлар ҳар хил касалликларга дучор бўлмоқда. Қишлоқ ҳўжалиги экинлари нобуд бўлмоқда.

АҚШ  
ЭЛЧИОНАЛАРИ  
ХАВФ ОСТИДА

Африканиннг уч мамлакатини пойтахтларидаги Америка Қўшма Штатлари элчионалари ёнида солидир бўлган кучли портлаш оқибатида 142 киши ҳалок бўлган. Бу ҳақда АҚШ Давлат департаменти вакили расмий баёнот берди. Қоҳирадан олинган хабарларга кўра, мазкур портлашлар Мисрдаги «Ислам қадимжоларини озода қилиш қўшини» деб номланувчи жангарилар ҳаракати томонидан солидир этилганлиги аниқланган.

РОССИЯ ГРЕЦИЯГА  
КЎМАК БЕРМОҚДА

Россияга қарашли ИЛ-76 русумли икки кўтқарув самолёти Грециянинг Атика вилоятига етиб келди. Самолётлар Атика ўрмонзорларидаги ёнғинни учиритишга кўмак беришни қарор қилди. Мазкур самолётларнинг ҳар бири 50 тонна сув кўтара олади.

КАСТРО ЎЛИМ  
ЁҚАСИДА

Куба раҳбари Фидель Кастро оғир касаликка дучор бўлган. Бу ҳақда уни даволаган ва ҳозир Коста-Рикадан сиёсий бошлана топган шифокор хабар тарқатган. Шифокорнинг баёнотида кўра, Озолиқ оронининг 70 яшар раҳбари ўтган йили икки марта Гава на касалхоналарида даволашиб чиққан. Бироқ Фидель Кастронинг хасталиғи унинг миёна фаолиятига таъсир қилишга улгурган. Унинг миёнада захарланган жараённи кетмоқда. Бу эса инсоннинг ўлимига олиб келади.

Хурматли муштарийлар!  
Йилнинг қолган қисми учун «Ишонч»га обуна бўлишни унутманг!

### КАСАБА УЮШМАЛАРИДА

## УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА АРАТИЛДИ

Ўзбекистон республикаси автомобиль транспорти ва йўл ҳўжалиги ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кўмитаси томонидан «Бошланғич касабаси уюшмалари кўмитаси раислари учун услубий қўлланма» рисолаши нашрдан чиқди. Ушбу китобча «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилган бўлиб, унда касабаси уюшмалари тўғрисидаги Ўзбекистон республикасининг қонуни, тармоқ касабаси уюшмаси Марказий кўмитасининг устави, касабаси уюшма аъзоларининг умумий йиғилишини тайёрлаш ва ўтказиш бўйича турли тавсиялар, меҳнат муҳофазаси бўйича вақил ҳақида низо ва бошқа бир қатор муҳим ҳужжатлар баён этилган.

Бу мўжазгина қўлланма ҳозирги замон талаблари асосида иш юритаётган барча касабаси фаоллари фаолиятида асқотиши табиий.

### ЯНГИ ДАСТУР АСОСИДА

Ўзбекистон Республикаси автомобиль транспорти ва йўл ҳўжалиги ходимлари касабаси уюшмаси ва Марказий кўмитаси ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш мақсадида талаба ҳамда ўқувчи ёшларнинг ёзги таътил кунларида мамлакатимиздаги тарихий ва маданий ёдгорликлар, истиқлол йилларида қад қўтарган иншоотлар билан ақиндан таништириш, уларнинг аҳамияти ва моҳиятини кенг тушунтириш ишларини олиб бориш бўйича дастурлар режасини тасдиқлади.

Унга кўра республикамизнинг тарихий ҳамда маданий ёдгорликлари зиёрат этилади, ўқув юрларидаги «Маданият ва маърифат» марказларида Ўзбекистоннинг тарихи, маданияти, янги иқтисодий сиёсатини акс эттирувчи кўргазмалар ташкил этилиб учрашувлар, суҳбатлар ва бошқа тадбирлар ўтказилади.

Н.РАФИҚОВ.

### Мустақилликда тақдирланганлар

## ЎЎЛ ЮРСА ҲАМ МЎЛ ЮРИБ



Эркин ака уруш даврининг боласи. Отаси Абдулаҳад ака ўғлини урушдан қайтгандан сўнг қўриган.

Урушдан кейинги оғир йилларнинг таъсири туфайли, 3-синфгача ўқиб, қолган дарсларни ҳаёт мактабда ўтаганлар. Шу ўринда бир гап: Буюк зотлар дуосини олиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайдиган бахт. Эркин ака эса, ана шундай бахтга сазовор бўлган инсонлардан. Аллома Иброҳим Мўминов билан бирга етти йилдан кўпроқ вақт ишлаган. Яъни ул зотнинг хизмат машинасини бошқарган. Тарихий кунларнинг шоҳиди. Олимнинг дуосини олган, у ҳақда хотиралари бир олам.

Дарвоқе, Эркин ака оддий ва шарафли касб эгаси - моҳир ҳайдовчи.

Республика Фанлар Академиясида ўттиз икки йил ҳайдовчилик қилган. Иброҳим Мўминов, Марат Нурмухаммедов, Обид Акромхўжаев, Эркин Юсуповлар билан ишлаган. Йўл юрса ҳам мўл юриб қўйганлардан.

Яхшиларга ҳамроҳу ҳамдам бўлмоқликнинг излари бежиз кетмас экан.

Ҳалол меҳнатлари қадрланиб, Республика Президентининг Фармонида биноан 1994 йили Эркин Саидовга «Республикада хизмат кўрсатган транспорт ходими» фахрий унвони берилган.

Эркин аканинг оилада, маҳалла-қуйда, жамоада ўз муносиб ўрни ва айтар сўзи бор. Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек туманидаги 13-маҳаллада бўлсангиз, у киши ҳақида маҳалладошлари фақат илик сўз айтишининг ғувоҳи бўласиз.

Бугун у меҳнат қилаётган Республика «Маънавият ва маърифат» марказида, Тошкент шаҳар 2-акционерлик автокомбинатида ҳам эзгу ишларга бош кўшиб юрибди. У кишини кўпинча ёшлар, шоғирлар даврасида учратиш мумкин. Уларга аския, ривоятлар сўзлаб турган бўладилар. Ҳаётий тажрибалари билан ўртоқлашадилар. Панду насихатининг қони.

Маҳсумахон янгамиз билан турмуш қўрганларига ўттиз олти йилдан кўпроқ вақт бўлибди. Бугун улар фарзандлар, бир-бирдан ширин неваралар қуршовада.

А.НАРЗУЛЛАЕВ

### БУХОРОДА ФАВВОРАЛАР МАЙДОНИ

Шаҳарнинг қоқ марказида барпо этилаётган Фавворалар майдони Республикасида Мустақилликнинг етти йиллигига - яқинлашиб келаятган кўлуг санага муносиб совғалардан бири бўлиши шубҳасиз. Ҳозирча бу ерда машина - механизмлар тинимсиз, тула қувват билан ишлаб турибди: ҳавзалар қазилляпти, атроф текисланяпти, ер ости коммуникациялари ўтказилляпти.

Фаввораларнинг баланд отилиши учун еттига кучли насос ўрнатилди. Бу эса фавворанинг 10-18 метр баландга отилишини, шунингдек, шаҳарнинг кўрқига кўрқ,

файзига файз кўшишини таъминлайди. Бухоро ирригация қурилиш, «Бухоро-сувқурилиш» трести, Аму-Бухоро машина қурилиш бошқармаси, Бухоро маҳсу қурилиш ҳиссадорлик жамияти сингари кўплаб қурилиш ташкилотлари бунёдкорлари Фавворалар майдонини барпо этишда фаол қатнашяптилар.

Мустақиллик байрами арафасида вилоят ва шаҳар ҳокимлиги биналари ўртасидаги каттакон майдонда бир йўла 10 та фаввора ишга тушади. Бу - албатта, бухоролик бунёдкорларнинг муносиб тўғрисида.

А.ИСТАМОВ, «Ишонч» мухбири.

# «СИҲАТГОҲ ИШЛАШИ КЕРАК»

—дейди Тошкент шаҳар агросаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшмаси кўмитасининг раиси Ноила УМАРОВА.

Ҳақ гап. Чунки касабаси уюшмаларида ишчи-хизматчиларни соғломлаштириш борасида улкан тажриба тўпланган. Кўпгина корхоналар ўзларининг соғломлаштириш масканларига эга.

—Айни кунда мамлакатимиз пойтахтида 27 та санаторий-профилакторий фаолият кўрсатмоқда, — дейди Касаба уюшмалари Тошкент шаҳар кенгаши услубий марказининг мудири Рустам Рафиқов. — Айни пайтда уларнинг кўпчилиги самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Тошкент авиация ишлаб чиқариш Давлат ҳиссадорлик жамиятининг 250 ўринли, Тошкент тўқимачилик комбинатининг 130 ўринли, Алгоритм ишлаб чиқариш бирлашмасининг 100 ўринли, 1-уйсозлик комбинатининг 90 ўринли профилакторийлари шулар жумласидандир. Мазкур профилакторий—сиҳатгоҳларда йилга 26 мингдан зиёд меҳнаткаш ҳамда уларнинг оила аъзолари соғломлаштирилмоқда.

Албатта ишчи-хизматчилар ҳамда уларнинг оила аъзоларини ўзлари учун қадрдон бўлиб қолган корхона сиҳатгоҳида даволанишларига нима етсин. Тўғри, кейинги пайтда бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида айрим корхоналар маъмурияти ўз сиҳатгоҳларини маблағ ҳамда турли жиҳозлар билан таъминлаш борасида айрим қийинчиликларга дуч келишмоқда. Лекин бу ишга жиддий киришганлар эса «қаловини» толиб, «қорни ёндиришаёттир». Бу ҳақда Тошкент шаҳар агросаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшмаси кўмитасининг раиси Ноила Умарова шундай дейди:

—Бизнинг тармоқда айни пайтда 2 та сиҳатгоҳ фаолият кўрсатмоқда. Шулардан бири «Тошмартёғ» ҳиссадорлик жамиятининг «Настарин» номи, иккинчиси эса Тошкент қишлоқ ҳўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш инженерлари институтининг 50 ўринли сиҳатгоҳидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, агар корхона раҳбарияти ишга жиддий киришса, тўғрироғи ишлаб чиқариш саломатлиги ҳақида чинкамига қайғурса битмайдиган ишнинг ўзи йўқ. Мисол учун «Тошмартёғ» ҳиссадорлик жамиятини оладиган бўлсак, корхона маъмурияти шу йил бошидан буён мазкур сиҳатгоҳга 2 миллион 700 миң сўм маблағ сарфлади. Бундан ташқари сиҳатгоҳ биносининг иситиш тармоғи янгиланди. Эндиликда корхона ишчи-хизматчилари ҳамда уларнинг оила аъзолари кишин-ёзин бу ерда мириқиб ҳордиқ чиқаришмоқда.

Шу суҳбатдан сўнг бизда «Настарин» сиҳатгоҳи билан танишиш истаги туғилди. Мўжазгина биногоҳа кириб келганимизда кун пешиндан ошганди. Сиҳатгоҳда корхона касабаси уюшмаси кўмитасининг раиси Мирзахўсан ака Зўфаров ҳамда Бош врач Аҳмаджон ака Юсуповларни учратдик. Салом-алақимдан сўнг Аҳмаджон ака кулимсираб: —Кейинги пайтда сув



Суратларда:сиҳатгоҳ шифокорлари М.Эризарова(ўртада);сиҳатгоҳ ошқонаси



Суратларда:сиҳатгоҳ шифокорлари М.Эризарова(ўртада);сиҳатгоҳ ошқонаси

таъминоти яхши эмас эди, йўлини топдик. Катта йўлдан ўтган марказий шаҳобчадан қувур орқали сув олиб келтирилди. Энди бу муаммо ҳал бўлди. Лекин сиз келмасингиздан илгари Мирзахўсан ака билан саунани таъмирлаш масаласини маслаҳатлашаётган эдик.

Аҳмаджон аканинг бу гапига Мирзахўсан ака қўшилди: —Бош врачимиз ушлаган ерини шартга кесадиغان одам. Ҳозирги давр ҳам шуни талаб қилмоқда. Биз шунисига суюнамиз. Бундан ташқари, сиҳатгоҳ ишчи-хизматчиларимизнинг энг сеvimли оромгоҳига айланган. Комбинатимизда 1200 киши меҳнат қилади. Йилга бу ерда 700 га яқин киши саломатликларини тиклашади. Улар йўлланма

ҳақининг 10 фоизинигина тўлашади, холос. Корхонада фахрийларига, уруш қатнашчиларига, ишлаб чиқариш илғорларига йўланма бепул берилади. Бунинг учун кетадиган харажати ва касабаси кўмитаси ўз зиммасига олган.

Биз сиҳатгоҳни айландик. Бу ердаги ботартиб-ликдан киши кўзи қувнади. Ишқомларда турли хил узумлар, Дарахтлар ҳам тартиб билан экилган. Ишқом тағидига йўлга тангадек офтоб тушмайди.

—Сиҳатгоҳимиз шундай сўлим жойга жойлашгани ҳамда малакали мутахассисларимизнинг таъсирчан муолажалари туфайли, — дея давом этди Мирзахўсан ака, — касаллик варақалари ҳам қамаймоқда. Ўтган йилнинг 6 ойи мо-

байнида 270 киши касаллик варақасига чиққан бўлса, бу йилнинг 6 ойи мобайнида бу рақам тенг ярмига қисқарди. Шунингдек, сиҳатгоҳда фақатгина ишчи-хизматчилари эмас, балки уларнинг оила аъзолари ҳам соғлиқларини тикламоқдалар. Бу йил «Оила йили» эканлиги боис оилавий соғломлаштиришни йилнинг охиригача давом эттирамиз.

Суҳбатимизга сиҳатгоҳ бош врач Аҳмаджон ака Юсупов ҳам қўшилдилар.

—Сиҳатгоҳ 1989 йилдан иш бошлагани. Бу ерда асосан хафаконлик, ўпка, ошқозон, ичак, бўғим касалликларига чалинган беморлар 24 кун мобайнида даволанишади. Электр билан даволаш, паррафин ва бошқа муолажалардан дам олувчилар ниҳоятда мамнун. Бизда ҳаммаси бўлиб 20 га яқин тиббий ходимлар ишлашади. Айниқса Дилором Исломова, Мева Нуриевалардан дам олувчиларимиз ниҳоятда олувчилар...

Дам олувчиларни суҳбатга қорлаб, сиҳатгоҳ ҳақида уларнинг ҳам фикр-мулоҳазаларини билишга қизиқдик.

Миновар Усмонова — меҳнат фахрийси:

«Дастлаб бу ерга келганимда юрагим безовта қилаётганди. Даволанаётганимга 20 кун бўлди. Энди анча тузукман. Бунинг учун сиҳатгоҳ тиббий ходимларига минг раҳмат.

Баста Турсунова: «Тошмартёғ» ҳиссадорлик жамиятининг электр олиш цехида ишлайман. Белим, оёғим оғрийди. Лекин бу ердаги муолажалардан сўнг анча тузукман. Ўз чилласи бўлишига қарамасдан салқин. Ҳавоси ҳам яхши. Овқатларидан нолиммайимиз. Шу ўринда бизларга мана шундай шароит яратиб берган корхона маъмуриятига ҳамда касабаси кўмитасига ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Маърифат Умарова: «мен ҳам шу корхонанинг қишлоқ ҳўжалиги лабораториясида ишлайман. 4-5 йилдан буён шу сиҳатгоҳда оилавий равишда дам оламиз. Мана бу йил икки фарзандим ҳам шу ерда. Менга кўпинча тоғли жойларга чиқиб дам олишни маслаҳат беришди. Бу ерни тоғли жойдан нимаси кам. Соя-салқин жойлар. Лекин шуниси аниқки, ҳозирги пайтда бундай шароитни яратишнинг ўзи бўлмайди. Лекин шу ишга озгина бўлса ҳам ҳисса қўшган, бизларга шундай шароит яратиб берган барча кишиларга ўзим ва оилам номидан ўз миннатдорчилигимни билдираман».

Биз сиҳатгоҳ фаолияти билан танишиб қайтар эканмиз, ногаҳон «Истаган имконият топади, истамаган баҳона» деган мақолни эсладик. Ўз навбатида фақат ишлаб чиқариш режасининг кетидан қувмай, ўз меҳнаткашларини соғломлаштиришни кун тартибига асосий масала қилиб қўйган «Настарин» ва шу каби сиҳатгоҳларни замон талаби даражасида ишлашига ўз ҳиссасини қўшаётган барча-барчага раҳмат дегимиз келарди.

Неъмат РАФИҚОВ.

### НАМАНГАНДА ЯНГИ НАШР

Наманганда вилоят хотин-қизлар кўмитасининг наشري - «Аёл ва жамият» оммавий-ахборот ходимлари байрами кунини дунё юзини кўрди. Мазкур янги нашр ўзининг илк сониданок муштарийлар эътиборини тортди. Газета жамоаси маънавиятни юксалтириш, оила манфаатларини ҳимоялаш ва унинг мустақиллигини ошириш, ёш авлоднинг ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, урф-одатларимиз ва қадриятларимизни меҳнат тарғиб қилиш, хотин-қизларнинг жамиятда тугган ўрнини кўрсатишни ният қилганлар.

Оддий тикувчиликдан ХДП Чортоқ тумани кенгаши иккинчи котиби вази-фасигаича йўли босиб ўтган олов қалб журналист, нокиз таъб шоира Дилбар Ҳайдарова «Аёл ва жамият»га муҳаррирлик қилмоқда.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири.

Жаҳоннинг иқтисодий гуржираган давлатлари тажрибаси шуни кўрсатадики, уй меҳнати жамиятдаги эътиборга муҳтож фуқаролар меҳнати тўғри йўлга солинган, ишсизликнинг олдини олиш ва янги иш ўринларини вужудга келтиришда қатор афзалликларга эга.

Мустақиллик шарофати билан жамиятимизда улкан ўзгаришлар юз бермоқда. Бозор иқтисодиётига асосланган ишлаб чиқариш тизими вужудга келмоқда. Улкан тарихий қадриятларимизнинг тикланиши, бобоконларимиз меросини ўрганиш, жаҳон тараққиёти тажрибалари билан яқинлашув туфайли одамларда янгилик фикр, ташаббускорлик ривожланмоқда. Маълумотларга қараганда Америкада 20 млн., Японияда 1 млн., Ҳиндистонда 2

млн. киши Индонезияда эса ишлаётган аҳолининг 21 фоизи уй иши билан банд. Булар орасида тикувчилар ҳам, дурадгорлар ҳам, эркин муаввирлар, ёзувчилар ҳам бор. Бир сўз билан айтганда уй меҳнатчилари фаолиятидан фойдаланмайдиган бирор бир соҳа йўқ.

Лекин айтиб ўтиш керакки, уй меҳнатида ҳар бир давлатда турлича ёндошув мавжуд. Бу уша давлатларнинг интилишларидан, одамларнинг ижтимоий-иқтисодий муносабатларидан келиб чиқандир.

Хатто уй ишчиларига ҳақ тўлаш уларнинг ортиқча харажатларини қоплаш масалаларида ҳам ихтилофлар мавжуд. Масалан, Ҳиндистонда аёллар кийими ти-

киш учун энг кам иш ҳақининг ярми тўланади, Голландия ва Бразилияда касоначи фабрика ходимига нисбатан уларга 3 баробар кам ойлик тўланади.

### Оила манфаатлари ҳимояси УЙ МЕҲНАТИ: ИМКОНИЯТ ВА ДАРОМАД

Ҳўш, шундай экан, Ўзбекистонда уй ишчиларининг фаолияти йўлга қўйилса, уларнинг ҳақ-хуқуқлари қандай бўлади.

Эътиборли жиҳати шундаки, дунёда уй меҳнатчилари орасида эркекларга нисбатан аёллар кўпчилиги ишлаб чиқариши, гилам тайёрлаш, телевизор ва радиолар учун ўрама галтаклар тайёрлаш каби ишларни бажаришлари, бую-

лар ташкил этади. Ўйлаб кўрсак, бу табиий талаб айниқса бизнинг халқимиз интилишларига ҳамохан эканлигини англаймиз. Қолаверса қанча аёлларимиз бола парварлиши билан банд. Уларнинг меҳнат қилишига имконият яратилса, турмуши фаровонлигига ҳисса қўшилмайди?

Мана шунинг учун уларга алоҳида имтиёзлар белгилашни зарур. Масалан, 12 ёшга етмаган ёки болалари бор аёллар, инвалидлар, қаровга муҳтож бўлганларга қаровчилар қорхона ва ташкилотлар билан тузилган меҳнат шартномасига мувофиқ тикувчилик ишлаб чиқариши, гилам тайёрлаш, телевизор ва радиолар учун ўрама галтаклар тайёрлаш каби ишларни бажаришлари, бую-

ртмалар олишлари мумкин. Бунда мазкур ташкилот раҳбарияти уй меҳнаткашларининг уй шароитини инобатга олиб унинг меҳнат ҳавфсизлигини таъминлайди. Керакли ҳимоя воситалари ва ишлаб чиқариш ускуналари етказиб беради.

Бундан ташқари уй ишчи маиший хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам йўлга қўйиш мумкин. Бунга кўри ювиш, сартарошлик, умумий овқатланиш, болалар тарбияси каби хизматларни киритиш мумкин.

Айтиб ўтиш керакки, уй меҳнатчиларининг бу ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг алоҳида 97-113-моддаларида мустақиллик билан манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилади, уларнинг самарали меҳнат қилишига имконият яратади.

Улуғбек ҚОЗОҚОВ.



Самарқанд вилояти.Ургутлик хунармандлар—Нўмон Облоқулов, Кубарро Тўхтаева, Гулчехра ва Гулбахор Қосимовалар.

### Ахборот

## ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

«Жиззах-бақоллик» савдо ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти жамоаси вилоят аҳолисини озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, истеъмол бозорини тўлдириш, пул тушумларини кўпайтириш, янги савдо шаҳобчаларини бунёд этишда сезиларли ишларни амалга оширмоқда. Ҳиссадорлик жамияти ташкил этилган дастлабки кунларда 38 нафар киши меҳнат қилган бўлса, ҳозирда бу ерда 105 киши аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

Жамият янги ишчи ўринлари ташкил этиш бўйича дастур тузиб олган. Дастур асосида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, қурилиш, макарон, қандолат цехлари очилди. Жамоа маблағи ҳисобидан Ҳамзаобод маҳалласида гузар қурилиши учун 16 турдаги хизмат ишлари ташкил этилган. Жизторан бунёд этиляпти. Ҳиссадорлик жамияти бунёдкорлари бажаришди.

Албон ЭРТАШЕВ, «Ишонч» мухбири.

Т.Норкулов олган суратлар.



ҒАНИМАТ

Биз замонни сўраб келдик, Замон бизга ғанимат. Инсон мезбон, инсон меҳмон, Имкон бизга ғанимат.

Айб кўймагин ҳадеб вақтга, Бир бок кўнгил деган тахтга, Нишон керак бўлса бахтга, Камон бизга ғанимат.

Яхшилик ҳам ёруғ чирок, Кўзимизни юмсақ бироқ, Дийнат ҳам биздан йироқ, Ёмон бизга ғанимат.

Кимдан нима сўрар ҳаёт, Ҳар бир лаҳза эрур баёт. Қайда кезиб юрар сайёд, Омон бизга ғанимат.

Ҳайратлари бор замондир, Юртим кўрган кун омондир. Хамид, дилинг эл томондир, Томон бизга ғанимат.

Истиқлол мушоираси

БУЮК МУЛКИМ

Юртим, темир қанот бўлиб учган қушсан, Момоларим соғинтирган ширин тушсан. Орзуларинг бепойдир, бахтинг тўлғай, Дилимда бир соғинч гўзал кўшиқ бўлғай;

Буюк мулким бу Ватандир, бу Ватандир, Қадим илким шу Ватандир, шу Ватандир.

Ишонгайдир, элим ойдин камолингга, Кўёш янглиқ чирой очар жамолингга, Чаманингда иқбол гули хандон кулғай, Дилимда бир соғинч гўзал кўшиқ бўлғай;

Буюк мулким бу Ватандир, бу Ватандир, Қадим илким шу Ватандир, шу Ватандир.

Ўзбекистон — обод элим, овоз элим, Мадҳинг куйлаб тиниб билмас булбул тилим. Умр ўтиб, замон ўтгай номинг қолғай, Дилимда бир соғинч гўзал кўшиқ бўлғай;

Буюк мулким бу Ватандир, бу Ватандир, Қадим илким шу Ватандир, шу Ватандир.

ИШОНЧ

Дакки берман шўх болага бугун, Кўзлариде «тарс» ёрилар ҳар кун бир тугун, Бир жилмайиб, эслайсиз ҳам вақт етиб у кун, Эл оғаси бўлар десам ишонинг унга.

Эшагида ўт ташийди сигирига у, Мукофотдир отасининг шукрига у, Топширади ўқининг ҳам йиригига у, Эл оғаси бўлар десам ишонинг унга.

Ўза юртининг боласидан юз бор меҳнатқаш, Беш ёшида эркалашар «ўғлим захматқаш», Бўйи кўкка етиб борар, суҳбати дилқаш, Эл оғаси бўлар десам ишонинг унга.

Бу дунёга танитади, кишлоғини ҳам, Кўллариде жасоратнинг тизгинлари жан, Ширин ўрик ахир, аввал бўлади-да хом, Эл оғаси бўлар десам ишонинг унга.

Қани, тойчок, сув олинг-чи қўлларимизга, Қаторлашиб чикаверинг йўлларимизга, Ярашасиз Истиқлол — оқ гулларимизга, Эл оғаси бўлар десам ишонинг унга.

ЎЗГА ИШОНЧАН ЮРТИ

Бу улуг бир эл эрур, қоя каби қалқондир, Бир-бирини қувватлар чоғ агёр ақли талқондир, Келажаги йўқ деган даъволари ёлғондир, Ўзига ишонган юрт, Элига суянган юрт.

Елқага эл юкидан ўзгасин ортгани йўқ, Қочқон эл меҳмондан оёғин тортгани йўқ, Ярим йўлда пешона терини артгани йўқ, Ўзига ишонган юрт, Элига суянган юрт.

Юртбоши ишларига Оллоҳдан мадад тилаб, Ёмонин ошқор қилмай, яхшининг бошин силаб, Сабри-ю, қаноатда кунини тунга улаб, Ўзига ишонган юрт, Элига суянган юрт.

Иншолло, то абад инъомлари кўп бўлсин. Халқнинг йўли — ҳақ йўли, исломлари кўп бўлсин, Тонгда қилган тилаги, каломлари кўп бўлсин, Ўзига ишонган юрт, Элига суянган юрт.

Ҳамид НОРҚУЛ

Истиқлол қошоналари



Мамлакатимизда

ҲАВВАЛОВ олган сурат

Касаба уюшмалари спорти

«КАМОЛОТ» КУБОГИ БЕЛЛАШУВЛАРИ

волейбол ва баскетбол бўйича «Камолот» кубоги учун мусобақалар ўтказилмоқда.

Мусобақаларни ўтказиш тартибига кўра вилоятлар минтақавий гуруҳ беллашувлари бўлиб ўтди. Жамоалар беллашувлари тўрт минтақа бўлиб ўтказилди. Биринчи минтақа Наманган, Андижон ва Фарғона вилояти вакиллари мусобақалашдилар. Шу минтақада шахар жамоалари учрашувида баскетбол мусобақасида (эркаклар) «Андижон тожиклар» хиссасдорлик жамияти, аёллар беллашувида Фарғона «Нефтоғиринтез» хиссасдорлик жамияти (шу жумладан, эркалар волейболда ҳам), волейбол бўйича аёллар ўртасида Андижон вилояти алоқачилари биринчилиги кўлга киритишди. Кишлоқ жамоалари бўйича ўтказилган баҳсларда баскетбол бўйича (ҳам аёллар, ҳам эркалар жамоалари ўртасида) Қува мебель комбинати хиссасдорлик жамияти, волейболда эса (эркаклар) «Дўстлик» жамоа ҳўжалиги (Қува тумани) ва (аёллар) Охунбобоев жамоа ҳўжалиги (Богдот тумани) аъзолари ғалаба қозонишди.

Иккинчи минтақада Тошкент шахри, Сирдарё, Жиззах ва Тошкент вилояти вакиллари ўзаро ғолиблик учун курашдилар. Бунда шахарлар бўйича волейболда ҳам аёллар, ҳам эркалар мусобақасида Тошкент шахар «Саноат-қурилиш-индустрия» корхонаси вакиллари тенг келувчи рақиб топилмади. Баскетбол беллашувларида (эркаклар) «УзИИ»градоостроительства» хиссасдорлик жамияти ва ТА-ПОИЧ Давлат хиссасдорлик жамияти хизматчилари биринчи ўринни кўлга киритишди. Шу минтақада кишлоқ жамоалари мусобақасида Тошкент вилояти вакиллари ҳар томондан пухта тайёргарлик кўрганликларини намойиш этишди. Волейболда (эркаклар) «Селгизбоз» (Оққўрғон тумани) ва (аёллар) «Зангиота» жамоа ҳўжалиги баскетболда (эркаклар) «Янгибозор» жамоа ҳўжалиги аъзолари шохсупанинг юқори поғонасини забт этишди. Сирдарё туманининг «Малик» ширкатлар ҳўжалиги аёллар командаси баскетбол мусобақаларида ғолиб чиқди.

Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Бухоро ва Хоразм вилояти жамоалари беллашган учинчи минтақада ҳам мусобақалар кескин спорт курашлари остида ўтди. Унда енгил ва мебель саноати қасаба уюшмалари Марказий Кўмитаси, ҳамда «Кизилқумолтин» концерни хизматчилари биринчилик учун мусобақалашдилар. Баскетбол бўйича эркалар командалари ўртасида Бухоро текстиль комбинати жамоаси, аёллар ўртасида Навоий тоғ-кон металлургия комбинати аъзолари ғалаба қозонишди. Шунингдек, волейбол мусобақаларида Навоий кочилари биринчилиги кўлдан бой бермадилар. Кишлоқ жамоалари мусобақасида эркалар ўртасида баскетбол баҳсларида «Зарафшон» жамоа ҳўжалиги (Когон тумани) ва аёллар ўртасида «Озодлик» жамоа ҳўжалиги (Қорақалпоғистон Республикаси) аъзолари ғалаба қозонишди.

Қизилтепа туманининг «Бўстон» жамоа ҳўжалиги вакиллари волейбол бўйича (ҳам эркалар, ҳам аёллар) мусобақаларида ғалаба қозонишди. Тўртинчи минтақада Самарқанд, Сурхондарё ва Қашқадарё вилояти вакиллари мусобақалашдилар. Шаҳар жамоалари баскетбол бўйича беллашувларида ҳам аёллар, ҳам эркалар командалари ўртасида Самарқанд шахар 5-қурилиш трести ишчилари, волейболда (эркаклар) Самарқанд шахар «Телеком» хиссасдорлик жамияти ва (аёллар) Самарқанд шахри босмахонаси хизматчилари биринчи ўринни эгаллашди. Кишлоқ жамоалари бўйича эса баскетбол мусобақасида ғолиблик (ҳам аёллар, эркалар ўртасида) Нарпай тумани «Оқ-олтин» жамоа ҳўжалиги аъзоларига nasib этиди. Волейболчилар баҳсида «Карнаба-та» (Пахтачи тумани, эркалар) ва «Миробод» (Сурхондарё вилояти) жамоа ҳўжалиги вакиллари ғалаба қозонишди.

Минтақаларда ғалаба қозонган жамоалар Республика финал ўйинларида қатнашадилар.

Домёр ЮСУПОВ,

Жаҳон андозларида ТАДҚИҚОТЛАР САЛОМАТЛИК ХИЗМАТИДА

Илмий-техник масалаларни муваффақиятли ҳал этишда Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлигининг 12 та илмий текшириш институти, қатор илмий марказлари, олий ўқув юртлири фаоллик кўрсатиб келмоқдалар. Кейинги йилларда бажаришга давлат илмий-техника дастурлари учун 115 миллион сўмдан ортиқроқ бюджет маблағи сарфланди.

Ўзбекистон Республикаси фан ва техника давлат қўмитасининг грант танловида 22 та дастур ғолиб деб топилди, дейди Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги илм-фан ва янги технологиялар бош бошқармаси бошлиғи профессор Улўбек Қаймов. Бу самарали тадқиқотларга катта сўми, жумладан инновация, қўшимча маблағ ажратилиши билан 6 та йирик мавзунини бажариш бўйича 785 миң сўми сарфланди.

Тадқиқотлар ўтказиш учун ажратилган молиявий маблағлар 1-2-Тошкент Давлат тиббиёт институтилари, Тошкент Фармацевтика тиббиёт институти, жарроҳлик илмий маркази, эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий текшириш институтига берилди. Инновация йўли билан эса Ақушерлик ва гинекология, иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институти ва бошқа илмий муассасалар маблағ олдилар. Қўлга киритилган қўшимча маблағ илмий текшириш муассасаларининг моддий-техник имкониятини кўтаришга, ходимларини моддий рағбатлантиришга берилди.

Доривор моддалар, мослама ва асбоб-ускуналарнинг бир неча янги турлари ҳам юзага келди. Бу изланишлар иқтисодий томондан самарали бўлиб, жаҳон ардозларига мос келиши билан ҳам ажралиб турибди. Бундай илмий ишлар натижаларига қўллаб-қўллаб мисоллар келтириш мумкин.

Педиатрия институти олимлари томонидан ишлаб чиқилган «Бектид» деган доривор модда диарея касаллигига қарши ишлатилади. У жаҳон бозорига кенг тарқалган «Смекта» препаратига яқин туради. Яратилган «Сукцинол» деб ном олган гемокорректор эса қон йўқотиш, жигар ва буйракда қон етишимовчилиги ва геморрагик шок ҳолатларида қон кетишдан келиб чиқадиган ўзгаришларни яхшилашга ёрдам беради.

Умуртқа поғонаси шикастлари ва касалликларини даволаш учун янги ишлаб чиқилган дистракция-реклацион мослама ҳам тиббий муолажада қўл келади. Самарқанд Давлат тиббиёт институтида яратилган бу асбоб жаҳон бозорига ўз ўрнини топиши аниқ. Айна вақтда мазкур мослама Америкадаги бу хил тиббий асбобдан ўзининг арзонлиги ҳамда ишлатишда қулайлиги билан фарқ қилади.

Ўзбекистон Травмотология ва ортопедия илмий текшириш институтида юзага келган мосламадан эса остеоинтез муолажасини олиб боришда фойдаланилади. Бу изланиш катта иқтисодий самара берди.

«Ферулен» препарати республика Ақушерлик ва гинекология институти олимларининг ютуғи бўлди. Хомиладорликнинг олдини олишда ишлатиладиган мазкур препаратни маҳаллий ўсимлик моддаларидан тайёрлаш мумкин. Бу эса унинг арзон бўлишини таъминлайди ҳамда ортиқча маблағ сарфлаб четдан олиб келишга чек қўяди.

Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар институти олимларининг жиддий изланишлари туфайли ўткир ичак касалликлари, салмонеллез, бакте-риал ич терламани даволашнинг янги усули юзага келди. Бу хасталикларни беш физикал пектин билан даволаш ўзининг яхши самарасини бераётир. Бу хил пектин олиш технологияси унча мураккаб эмас, ҳамда қимматбах о ускуналари талаб қилмайди. Энг муҳими, у ўсимликлар чиқиндиларидан тайёрланади.

Республика Кардиология институтида яратилган «Олиг-вон» ва «Глирофол» доривор моддаларининг ҳам истиқбол катта. Паритионотриплика қарши бу доривор модда чет мамлакатларда тайёрланаётган шундай препаратлар билан бемалол рақобат қилаолади. Шу сабабли ҳам уларга бўлган талаб ортиб бормоқда. Эндиликда Францияда ҳам бу доривор моддаларга қизиқиш ортди.

Корин пардасида йирингли ялғиланиш ҳолатини даволашда янги жарроҳлик технологиясини йўлга қўйишда иккинчи Тошкент Давлат тиббиёт институтида амалга оширилган техник янгилик қўл келмоқда. Даволашнинг ушбу янги технологияси усули жаҳон андозларига мос келиши ҳамда рақобат қилиши билан ҳам муҳимдир.

Ақбар АЛИЕВ.

МУНАЖЖИМААР

ТАЪБИРИ САБР ҚИЛСАНГ, СОВҒА СЕНИКИ

Кўй (21.03-20.04) Хафтининг биринчи кунни эски танишларингиздан бирини учрата-сан. Чоршанба кунини умид қилган нарсангиз давоида рўйида чиққан бўлса, Ишончнинг бароридан келишини пайшанба ваъда беради. Жума ва шанба кунлари савдо бора-сарга кераксиз ҳарид-ларга эришасиз. Атросфа-оилангиз билан уйда дам олганингиз маъқул.

БУЗОҚ (21.04-21.05) Сешанба кунини ижодий фаолиятингизда катта ютуқ-ларга эришасиз. Атросфа-гилардан қутилмаган со-ғаларни кутинг. Жума кунини қутилмаганда пул мукофо-ти оласиз. Жиддий ва ўзингизга фойдали бўлган ўқу-ларингизни бундан қийин-дор, обрўли ўртоқларингиз ердарида амалга ошири-шингиз мумкин.

ЭҒИЗАҚЛАР (22.05-21.06) Тоза кўнгли-лилингиз вақтдоқилла-рингиз ва ҳар бир ишда ишонч билан ишлагин-гиз бу ҳафтада сизга ўз иқтисодий кўрсаткичлар-ингизни яхшилаш учун ўз самарасини беради. Лекин шунинг ҳам унутма-нгки айрим ишларингиз-ни юришмаслиги, қолиб кетиши - буларнинг ҳам-маси яхшиликка. Ду-шанба кунингизга сабр қилсангиз бунинг ҳам-масини тушуни оласиз.

ҚИСҚИЧАҚА (22.06-23.07) Сешанба ва шанба кунини қизиқарили бир янги-ликнинг гувоҳи бўласиз. Хафтининг ўртасида жо-ра ва соғлиқ билан боғлиқ бўлган айрим нуқсонларини бошдан кечирасиз. Ижод соҳасида иқтидорга эга бўл-сангиз, яхши нафақа сизнинг иқтидорингизда.

ШЕР (24.07-23.08) Ҳафта бошида одамлар билан жуза қўл мулоқот-да бўласиз. Пайшанба кунини савдо ва бизнес со-ҳасида омадингиз юри-шад, ҳеч иккиланманг ют-ққ барибир сизники. Ҳафта сўнгига унча узок бўлмаган манзилга ол-тин сизнингиз, лекин ан-чагина чарқоқни ҳис қи-ласиз.

СУНБУЛА (24.08-23.09) Хафтининг бошида бор кучингизни ишга со-ғи ҳарат қилинг. Чун-ки пайшанба ва жума ку-лари сизга уй-жой ҳамда қариндошлар билан боғлиқ бўлган шахсий муаммолар-ни ҳал қилиш қундалан-ғини турди. Ҳафта бо-расида қўлланган бу ча-қоқларни қиқариб юбориш учун яқшанба куниндан унумли фойдаланинг.

ТАРОЗУ (24.09-22.10) Умуман, мустақкам соғ-лиқингизни қайфият, иш-фаолиятингиздаги омад - буларнинг ҳаммаси ушбу ҳафта совғасидир. Жума кунини муҳим бир нарсанинг гувоҳи бўла-сангиз.

ЧАЕН (23.10-22.11) Бу ҳафта сиз учун ҳам бир мунча омадли келади. Ду-шанба ва жума кунлари иқ-тисодий ҳолатингизни ун-га олиш учун яқши кун. Чоршанба кунини ақойиб бир киши билан учрашасиз. Сешанба - жоғролар кун-и. Яқшанба кунини яқин ки-шилариңиздан бири сиз-ни катти хаяжонлангизга мажбур этади.

УҚ ОТАР (23.11-21.12) Душанба кунини йироқдаги ақойиб ҳуш-хабарнинг гувоҳи бўла-сангиз. Чоршанба ва жума кун-и. Паршанба кунини иш билан боғлиқ тақлифини асло рад қилманг. Сунг афсусланмайсиз. Узок-узокларга элтувчи ро-янинг ушбу ҳафтада шу-шанба кунининг муҳим воқеаларидан бири.

ТОҒ ЭҶҚИСИ (22.12-20.01) Хафтининг иккин-чи кунини омадли нарсанинг соҳиб бўласиз. Чоршанба кунини оилавий бюджетин-гизга даромад тушиши қи-тилади. Соғлигингиз бора-сида бироз нохушликни пайшанба кунини сезасиз. Дам олиш кунларингиз ҳушқачқак дуслар дав-расида ўтади.

КОВҒА (21.01-19.02) Энг яқин қишларингиздан бири билан жоғро-да бўлишингиз ушбу ҳа-фта бошида бироз қайфия-тингизни туширади. Чоршанба кунини ҳафрат-ларнинг янгиликнинг гу-воҳи бўласиз. Молия-вий жиҳатдан энг омад-ли кун - бу жума кун-идир. Спорт билан шуғул-ланиш ҳамда дам олиш учун эса шанба кунини қўлаб.

БЕК (20.02-20.03) Савдо ва шу фаолиятингиз билан боғлиқ шартнома ҳамда учрашувларингизни ҳафтининг бошларида ре-жалаштирсангиз ишингиз юришад. Яқин қишлар-ингиздан бирининг алда-қи қулгиллигиде умид до-р бўлади. - бу пайшанба кун-ни қутилади. Шанба кун-идаги омадли ҳарид эса қайфиятингизни анча қу-ради. Ақсидин БҒРИЕВ тарғамас.

«Ишонч» ва «Ишонч-Доверие» таҳририятлари «Матбуот тарқатуви» ёлик турдаги ақшадор-лик жамияти Бош дирек-тори Руслан Қосимовга отаси Саид ҚОСИМОВнинг вафот этганини муно-сабати билан чуқур таъ-зия билдиради.

Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги олдидан

Буюк ватандошимиз Аҳмад ал-Фарғоний жаҳон фани ва маданияти таракқиётига улкан ҳисса қўшган алломадир. У айниқса математик ва астроном сифатида кенг шухрат қозонган. Биз шарқшунос олимга, филология фанлари доктори, профессор Фозила СУЛАЙМОНОВА билан суҳбатда бўлиб, Аҳмад ал-Фарғонийнинг астрономия фани равиқига қўйган улкан ҳиссаси тўғрисида сузлаб беришимиз сўрадик.

Фарғоний яшаган тўққизинчи асрда Хорун ар-Рашидининг ўғли Маъмун Хоразмда ҳоким эди. У илмга қизиқувчан бўлгани учун қўллаб-қўллашга тўлаб, қои-лот ҳақидаги илмни ривожлантиришга даъво этади. Кейин у Хуросонга ноиб этиб тайинланади. Маъмун бу ерда ҳам фан ахлини жамлаб, илм билан шуғулланув-чи гуруҳ фаолиятини кенгайтиради. Шу аснода Фарғо-ний ҳам Хуросонга келиб, гуруҳга қўшилиди. Маъмун Бағдодда халифалик тахтини эгаллагандан сўнг эса бу ерда «Байтул ҳикма», яъни илмлар уйини ташкил этиб,

Ғамавуллоҳи

ўнлаб олимларни жалб қилади. Унинг ташаббуси билан Дамашқдаги расадхона Бағ-додга қўйрилади. Маъмун бу ерда катта обсерватория ҳам қурдиради. Асосий иш мана шу ерда давом этти-рилади. Фарғоний шу расадхонанинг энг фойдало-ми ва идора этувчиси бўлган. У бу ерда астрономияга оид бир неча китоб баған ва жамоли илм ал-ну-жум» асари бўлиб, бу китобни ҳақли равишда жаҳон астрономия фанининг асоси дейиш мумкин. Бу асар ўша даврдаёқ Европада кенг ўрилди, ўн иккинчи асрнинг ўзига да мартга лотин тилига, ўн учинчи асрда эски испан тилига таржима қилинган. Чунки у пайтда соҳани ўрганишда қўлланиладиган ҳар хил асбоблар йўқ бўлгани учун, савдогарлар, сайёҳлар юлдузларга қараб манзилларни аниқлаганлар. Шунинг учун ҳам астрономияга оид китоблар уларга бу борада асосий ман-ба бўлиб хизмат қилган.

Фарғоний Птолемеининг «Астрономиянинг буюк ма-тематик тузилishi» деб номланган асарини жуза пухта ўрганган ва ўзининг астрономияга оид машҳур китоби-ни яратишда ундаги маълумотлардан фойдаланган. Фар-ғоний астроном, математик олим сифатида фан тарак-қиёти учун жуза катта хизмат қилган. У биринчи бўлиб Фарғо-ний бу бир қитъа маъжудлигини ҳисоб-китоблар, юлдузлар ҳаракатини ўрганиш йўли билан фарз эт-ган, экватордан қутбгача бўлган масофани ҳисоблаб чиққан.

Фарғонийнинг юқорида номи зикр этилган китобини нафақат савдогарларга сайёҳлар, ҳатто Италия мумтоз ёзувчиси Данте ҳам яқин билган. Адид энг буюк асари «Илоҳий комедия»ни ёзганда Фарғонийнинг фалакшу-носликка бағишлаган китобидеги маълумотлардан фойдаланган. Жумладан, турғун юлдузларнинг сонини ҳам ана шу асарга асосланиб кўрсатган.

«Илоҳий комедия»да бир қанча сайёралар, шунла-дан, Зухро, Сатурн, Меркурий юлдузлари тўғрисида сўз юритилиб, уларнинг ҳажми, ерга нисбатан масофа-сига оид рақамлар ва уларга берилган таърифлар, са-мода жойлашуви тўғрисидаги маълумотлар баён этил-ган. Табиийки, уларни таърифлашда Данте Фарғонийни-нг астрономияга оид асаридан кенг фойдаланган.

Тарихдан маълумки, машҳур сайёх Христофор Колум-б Хиндистонга йўл ахтариб сафарга чиқади. У ўша даврда ишланган бир харита асосида ҳаракат қилади. Харитани тузган Птолемеий эса Хиндистонни Фарғо-жий қўлади ва Хиндистонни тоғлиқ деб ўйлайди. Шу-чу маълум давргача иккита - «Жанубий» ва «Шимолий» Хиндистон мавжуд бўлиб туради.

Италиялик Америко Виспуччи ҳам Колумб йўлдан юриб, даморти кашф этган қитъага бориб қолади. У кенаси юлдузларнинг жойлашишига боқиб, бу ер Дан-те таърифлаган Ароф эквалигини эътироф этади. Ана аниқлаш текширувлардан сўнг бу ер Хиндистон эмас, балки мулақо янги қитъа эканлиги исботланади. Шун-нинг учун ўша янги қитъани унча исботлаган киши номи билан Америка деб атал бошлади. Бинобарин, Аме-риканнинг оқиллигига Фарғонийнинг асари ҳам бирмун-ча сабаб бўлган, дейиш мумкин. Чунки Данте тунда Ароф устида юлдузлар жойлашуви ва ҳаракати ҳақида-ги маълумотини Фарғонийнинг китобидан олган эди. Де-мак, Американинг кашф этилишида буюк ватандо-шимиз Фарғонийнинг ҳам муносиб ҳиссаси бўлган экан.

Суҳбатдош Б.МАНСУРОВ, ЎЗА мухбири

Advertisement for 'Ишонч' newspaper, featuring a pencil and the text 'Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Чори ЛАТИПОВ'.

Advertisement for 'Ишонч' newspaper, featuring a telephone and the text 'Бош муҳаррир қабулхонаси-56-25-36, Бош муҳаррир ўринбосари-56-32-89, Мислузи котиби - 56-52-78'.

Advertisement for 'Ишонч' newspaper, featuring a newspaper icon and the text 'Ташкент шаҳри, «Бухоро» (собиқ «Права Востока») кўчаси, 24-йи, Наир кўрсаткичи; 133; 134'.

Advertisement for 'Ишонч' newspaper, featuring a newspaper icon and the text 'Газета 1991 йил 21 мартдан чика бошлаган. Сотишда эркин нархда. Мислиги: 700/65, Мислиги: 133; 134'.

Advertisement for 'Ишонч' newspaper, featuring a newspaper icon and the text '«Ишонч» нашрийат-матбаа кенжадорни босмахонаси, Қорловна Мансуров «Буюк Турани» кўчаси, 41-йи'.